



«УМИД НИХОЛЛАРИ» СПОРТ УЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Авваламбор, сиз азишларни, саховатли Сирдарё заминиди, тобора қад ростлаб, чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрида жам бўлган барча ўғил-қизларимизни бугунги кувончли воқеа – «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларимизнинг куч-қуввати ва қобилиятини, салоҳияти ва маҳоратини намоён этадиган, иродасини тоблайдиган бу мусобақаларнинг мард ва матонатли инсонлар юрти бўлмиш Мирзачўл воҳасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Бир пайтлар куш учса – қаноти, одам юрса – оёғи қуядиган чўли биёбон бўлган, ота-боболарингизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти ҳисо-

бидан обод ва файзли заминга айланган бу маскан бугун сизларни ўз бағрига қабул қилмоқда ва эъозламоқда.

Азиз болаларим!

Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлайманки, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муроди-га етиш учун аввало мустақкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли

ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай олижаноб, барчангизга ярашадиган хусусият ва аломатлар мавжуд бўлган ва ўзаро бирлашган жойда албатта муносиб ютуқ ва галабалар қўлга киритилади.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган саъй-ҳаракатларимиз, шу борада замонавий

моддий-техник базани барпо этаётганимиз авваламбор униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча турар-жойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион ва сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, уларни жонкуяр ва малакали спорт устозлари ва мураббий-

лар билан таъминлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганимиз. Ва бу мақсадга яқин йилларда, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қатори юртимизда шаклланган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт оламига энди қадам қўяётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионларига қанот берадиган парвоз майдони, десак, ўйлайманки, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонаман – бу мусобақаларда сиз, азиз болаларим баланд руҳ билан, ёшлик шижоатингиз, бор куч ва маҳоратингизни намоён этасиз, эришган натижаларингиз билан ота-оналарингиз, устоз-мураббийлар, дўсту ёрларингизни кувонтирасиз ва оран-

гиздан энг муносиблар юксак шохсупаларга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муҳташам, замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, бу қурилишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сирдарё аҳлига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги ёшлик ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлар эканман, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган бу бетакрор спорт мусобақалари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишини тилайман.

Барчангизга ўқишда ва шахсий ҳаётингизда доимо бахту омад ёр бўлсин, ўз муродингизга етинг, қадрли фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

«УМИД НИХОЛЛАРИ – 2009»

ГУЛИСТОНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Кеча Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2009» спорт мусобақалари республика босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги мактаблардан ёш спортчилар иштирок этапти.



Айтиш жоизки, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, спортчилар, мураббийлар ва мухлислар, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича бириктирилган раҳбар ходимлар томонидан ички ишлар ходимларига йўриқномалар бериб борилаёпти. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи, ов қуролига эга бўлган шахслар текширилиб, яна бир бор профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Спорт беллашувлари бўлиб ўтадиган жойлар, уларнинг атрофидаги маҳалла, корхона, ташкилот, меҳмонхона ва

ётоқхоналарда ёнғин хавфсизлигини мустақкамлашга оид чоралар кўрилди.

Вилоят ҳудудида 2009 йил 15 майдан 25 майга қадар кенг қамровли «Антитеррор – Тозалаш» махсус профилактик тадбири ўтказилди. Тадбирда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар янада кучайтирилди. Унга ички ишлар ходимларидан ташқари маҳалла посбонлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинган. Тадбир мобайнида асосий эътибор тезкор вазиятни барқарорлаштириш, спорт мусобақалари ўтказиладиган ҳамда бошқа жамоат жойлари-

ни иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахслар, дайди, тиламчилардан тозалаш, жиноят содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бу борада зарур чораларни кўришга қаратилди. Тадбир иштирокчиларини ўйингоҳга олиб келиш ва ётоқхоналарга олиб боришга жалб этилган ҳар бир транспорт воситаси техник кўрикдан ўтказилди.

Кўриниб турибдики, айти пайтда ички ишлар ходимларининг диққат-эътибори Гулистондаги спорт байрамини юксак савияда ўтказишга қаратилган.

Ҳабиб ЧЎТАНОВ,
подполковник.
Назиржон
ЙЎЛДОШЕВ,
катта лейтенант.

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КҮНИ



БОЛАЛИК ҚЎШИФИ

Мен бахтиёр боламан,
Энг бахтиёр боламан!
Болалик пошшоликка –
Тенг, бахтиёр боламан.

Спорт ила чиникиб,
Бардам бўлиб, тиникиб.
Олтинга тенг давримни,
Ўтказяпман мириқиб!

Отам, онам – қуёшим,
Жуфт меҳрибон йўлдошим.
Чорлар қувноқ даврага,
Ўртоқларим, тенгдошим.

Мен бахтиёр боламан,
Энг бахтиёр боламан!
Болалик пошшоликка –
Тенг, бахтиёр боламан!
Ориф ТҶХТАШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 2009 йилнинг 27-29 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрида тўхтаб ўтди ва Қирол Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

28 май куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг музокаралари бўлиб ўтди. Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон – Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

● Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан табиий офат – сув тошқинидан жиддий зарар кўрган Тожикистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Ўзбекистон ҳукумати биринчи бўлиб Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё темир йўл бекатидан қўшни мамлакатга қурилиш материаллари, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўнлаб палаткалардан иборат 20 вагондан ортиқ инсонпарварлик юкини жўнатди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия қироллиги сенатори, «Бельгия – Ўзбекистон» парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ив Летерм Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида учрашув ўтказди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шунингдек, бельгиялик меҳмон Тошкент давлат юридик институтида ҳам музокара ўтказди.

● Юртимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия Кент шаҳзодаси Майкл раҳбарлигидаги делегация Тошкент Халқаро Вестминстер университетида ташриф буюриб, мазкур олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

● Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентида мувофиқ, қўйи палата депутатлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Қизғин мулоқотларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида «Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» деб номланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда уюшманинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти яқунлари муҳокама этилди. Конференцияда уюшманинг келгусидаги режалари белгилаб олинди. Ш. Ғуломов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси этиб қайта сайланди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, майор Азизбек Исроилович ИКРАМОВ.

Азизбек Исроилович Икрамов 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда республика ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда республика ИИБ ЁХББ бош мутахассиси, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Шавкат Мирзаевич ҲИКМАТОВ.

Шавкат Мирзаевич Ҳикматов 1956 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1987 йилда республика ИИБ Тошкент олий мактаби ўқитувчиси лавозимидан бошлаган. 1988–2000 йилларда республика ИИБ Тошкент олий мактаби катта ўқитувчиси, кафедра бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳар Мирзо Улғбек тумани ИИБ ХЧК ва ФБ катта инспектори, Шайхонтоҳур тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФБ бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ Штаб бошлиғи ўринбосари, 2000–2009 йилларда республика ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Генжемурат Абдимуратович КЕЛИМБЕТОВ.

Генжемурат Абдимуратович Келимбетов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁСБ инспектори лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзот тумани ИИБ давлат ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁСБ Тахиятош шаҳрини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми инспектори, Қўнғирот тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – тергов бошқармаси бошлиғи, майор Адулходи Абдусубхонович ГАЙБНАЗАРОВ.

Адулходи Абдусубхонович Гаибназаров 1972 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Фарғона шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошлаган. 2000–2009 йилларда Фарғона вилояти ИИБ ТБ терговчиси, Фарғона шаҳар ИИБ ТБ бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, Фарғона тумани ИИБ ТБ бошлиғи, Фарғона вилояти ИИБ ТБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Қашқадарё вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, майор Алишер Бўриевич ХҲЖАЕВ.

Алишер Бўриевич Хўжаев 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент автомобиль ва йўллари институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ИИБ ДАНБ муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Қашқадарё вилояти Қарши тумани ИИБ ДАНБ катта инспектори, Усмон Юсупов тумани ИИБ ДАНБ бошлиғи, Қашқадарё вилояти ИИБ ДАНБ ЙПХ бўлим бошлиғи, вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ батальони командирининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Навоий вилояти Навбахор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Фарҳод Баракаевич СИДИҚОВ.

Фарҳод Баракаевич Сидиқов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Навоий вилояти Навбахор тумани ИИБ тергов гуруҳи терговчиси лавозимидан бошлаган. 1998–2009 йилларда Навбахор тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, Навоий вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ ТБ катта терговчиси, тезкор вакили, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, республика ИИБ тезкор бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



ХАБАРЛАР

«БУЛБУЛЧА»ДА ШОДИЁНА

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Сирдарё вилояти ИИБ хузуридаги «Булбулча» болалар боғчасида байрам тадбири ўтказилди. «Ватанимизни жуда яхши кўрамыз» шиори остида ўтказилган кечада тарбияланувчилар рус, инглиз ва ўзбек тилларида она-Ватан, дўстлик ҳақида шеър, ашулалар айтишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми спорт муСОБАҚАЛАРИГА бағишланди. Болажонлар «Ло-

чин» ва «Қалдирғоч» гуруҳига бўлиниб, ўз кучларини синаб кўришди. Баҳсларда фаоллик кўрсатган кичкинтойларга вилоят ИИБ раҳбариятининг совғалари топширилди. Шу ўринда тарбиячилардан Х. Муҳамедова, Е. Медведева, Г. Шербекова каби ходимларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Манзура КАРИМОВА.

Сирдарё вилояти.

Республика Адлия вазирлигида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ҳамда идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш» мавзуда семинар бўлиб ўтди.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат идоралари томонидан ўз фаолиятига оид мавжуд ҳуқуқий базани амалдаги қонунчиликка мослаштириб бориш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, мазкур йўналишдаги ишларни ташкил этиш бўйича вазирликлар, давлат қўмиталарига тавсиялар берилди.

Баҳс ва мунозарага бой руҳда ўтган семинарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда тегишли идоралар томонидан йўл қўйилган камчиликларни келтириб чиқараётган сабаблар, уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

М. ОЧИЛОВ, катта лейтенант.

КОЛЛЕЖДА ЁШЛАР БАЙРАМИ



Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежида «Ёш фуқаро» тадбири бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Йигилишда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Равшан Пирматов, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги подполковник Қўзи Давлетов, истеъфодаги полковник Шарофхон Абдуллаев, туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Ҳасанбой Қаландаровлар сўзга чиқиб, фуқаролик масъулияти, паспорт тартиботи қоидаларининг муҳим жиҳатлари ва уларга риоя этиш бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбирда 77 нафар йигит-қизларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти тантанали равишда топширилди.

Йигилишда республика кўрик-танловларида фахрли ўринларни қўлга киритган бир гуруҳ ўқувчилар муносиб тақдирланди. Ўз навбатида ёшлар келгусида бор куч-ғайратларини мамлакатимиз тараққиёти учун сарфлаш, Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга ваъда беришди.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

Суратда: коллеж ўқувчиси Гулруҳ Шарипова фуқаролик паспортига эга бўлганидан беҳад хурсанд.

Муаллиф олган сурат.

«ҒАЛЛА-2009»

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР ТАЛАБИ

Навий вилояти ғаллакорлари жами 43400 гектар ерга дон қадаб, 89900 тонна ҳосил етиштиришга азму қарор қилишган. Дунё миқёсида иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган ҳозирги пайтда деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган ғаллани нест-нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиштириб олиш шу куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам каттагина масъулият юкланган.

Ўрим-йиғим мавсумида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, талон-тарожликка, ташмачиликка йўл қўймаслик мақсадида «Ғалла — 2009» тадбирига 450 нафар ходим жалб этилади. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун 32 та отряд ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига вилоят ИИБнинг масъул ходимлари киритилган. Бундан ташқари, ҳар бир комбайнга ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими бириктирилган. Ғалла ташувчи автомобилларни кузатиб бориш учун эса икки нафардан ходим ажратилган.

Вилоятдаги барча донни

қайта ишлаш ва дон қабул қилиш пунктларининг мавсумга шайлиги ҳам текширувдан ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ўрим-йиғимга жалб этиладиган техника воситалари кўриқдан ўтказилиб, носозларини таъмирлаш борасида кўрсатмалар берилди. Шунингдек, ғаллазорлардан элеваторлар ҳамда дон қабул қилиш пунктларига элтувчи йўллар, кўприклар ҳам назоратга олинди. Комбайнларнинг ҳаракатланувчи қисмлари қизиқ кетиши оқибатида юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида уларни ҳар 10 соатлик узлуксиз ишлатишдан сўнг камида бир соат тўхтатиб совутиш зарурлиги ҳайдовчиларга эслатилди. Ўрим-йиғим давомида ғалла майдонлари, сомон ғарамлари яқинида тамаки чекиш, гулхан ёқиш, очиқ оловдан фойдаланиш қатъиян ман этилиши тўғрисида аҳоли ва тадбирга жалб этилувчи ҳайдовчилар огоҳлантирилди. Шунингдек, майда ташмачилик ва дон маҳсулотларини четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатларига

йўл қўймаслик учун профилактик ишлар кучайтирилди.

Яқинда ғалла экинлари мавжуд ҳар қайси туманда амалий семинарлар ташкил этилиб, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш борасида сўнги кўрсатмалар берилди. Хусусан, Қизилтепа туманида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ишларининг аҳволи ва мавсумни беталафот ўтказишга қаратилди. Унда донни йиғиштириб олишга жалб этилган ғаллакор туманлар ички ишлар бўлими бошлиқларининг ўринбосарлари, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги хизматидан масъул ходимлар иштирок этди.

Семинар давомида «Ғалла — 2009» тадбирига жалб этилган куч ва воситалар, улардан самарали фойдаланиш омиллари юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилиб, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусида тегишли таклифлар билдирилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсиз-



лигини таъминлаш ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, шунингдек, дон маҳсулотларини қабул қилиш, қуриштириш ва сақлаш омборлари, қайта ишлаш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Туманда бу йилги ўрим-йиғимга 21 та комбайн ҳамда 105 та транспорт воситаси жалб этилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг айна дамба шайлиги ва узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида зарур чоралар кўрилганлиги алоҳида қайд этилди.

Бу каби тадбирлар Кармана, Конимех ва Хатирчи туманларида ҳам бўлиб ўтди. Хуллас, вилоятда ҳадемай бошланадиган ўрим-йиғим мавсуми кўнгилдагидек ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада ички ишлар ходимлари ҳам ғаллакорларга камарбаста бўлишга шай.

Нигора РАХИМОВА,
майор.
Бобомурод ТОШЕВ.

Навий вилояти.

ТАДБИР

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ОЛИШДИ

Тошкент вилояти ИИБ ШТБХ ва тергов бошқармаси ҳамкорлигида икки кунлик семинар ўтказилди. Унда тергов тизими ходимларининг кундалик хизмат фаолиятига тааллуқли асосий масалаларга эътибор қаратилди. Хусусан, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, жиноятни тезкорлик билан очишда тезкортергов гуруҳи сафидаги терговчиларнинг раҳбарлик роли, бошланғич ҳужжатларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби, фуқароларни жиноят содир қилишда гумонланиб ички ишлар идорасига олиб келиш, ушлаб туриш муддатлари ва бошқа саволларга тажрибали ходимлар жавоб беришди.

Шунингдек, семинарда ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг таклифлари, аризалари ҳамда шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида аτροφлича фикр юритилди.

Хуршид РЎЗИЕВ.

Тошкент вилояти.

КАСАБА УЮШМАСИДА ЎҚУВ-СЕМНАР



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўлаб мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказаятган бир пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда мазкур жараённинг таъсирини юмшатиш юзасидан амалга ошириляётган кенг қамровли ишлар иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишини таъминламоқда.

Яқинда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг касаба уюшма фаоллари учун ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий

инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли китоби ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир 2009 йилга мўлжалланган дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирни Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси А. Инагамов олиб борди.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенати аъзоси А. Алтиев, Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Д. Алимходжаева, Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходими Н. Шайхов, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиқининг биринчи ўринбосари Б. Мирхонов иштирок этди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан аτροφлича фикр юритиб, ўқув-семинар иштирокчиларининг кўлаб саволларига батафсил жавоб бердилар.

Тадбир якунида иштирокчилар учун Ўзбекистон давлат тарихи музейи бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Ханифа ДЖАЛИЛОВА,
ИИБ Бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси.
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ АМАЛИЁТ

Мексика ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланадиган йирик жиноий гуруҳга қарши амалиёт ўтказди. Мичоакан штатида олиб борилган тадбир жараёнида Уруалан шаҳар маъмурияти раҳбари қамоққа олинди. Бундан ташқари, ушбу жиноий ишга алоқадорликда гумонланиб яна 17 нафар юқори мартабали амалдор ушланди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Мичоакан штати мамлакатда гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар энг кўп жойлашиб олган ҳудуд саналади.

ЯНА ҚЎПОРУВЧИЛИК

AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, Покистоннинг Лахор шаҳридаги полиция бошқармаси жойлашган бино атропофида автомобилга ўрнатилган портловчи қурилманинг ҳаракатга келиши натижасида камида 30 киши қурбон бўлиб, 80 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Маълумотларда ушбу хунрезлик ортида «Толибон» ҳаракати турганлиги айтилмоқда. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб бориляпти.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ЁРДАМИДА

Хитой тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун 3 триллион ЮАН (440 миллиард АҚШ доллари) миқдорда маблағ сарфлашни режалаштираяпти. Сармоя асосан шамол энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи объектлар қурилишига йўналтирилади. Айна пайтда мамлакатда фойдаланиладиган барча энергиянинг 6 фоизи муқобил энергия манбалари ҳисобига тўғри келади.

НОЁБ ТОПИЛМА

Евроныос телеканали тарқатган хабарда айтилишича, Мисрнинг Синай чўлларида олиб борилган археологик қазинмалар чоғида қадимий қалъа қолдиқлари топилган. Ушбу топилма бундан 3,5 минг йил аввал бунёд этилган бўлиб, ундан асосан Ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилган. Қалъа ўтмишда ҳукмронлик қилган фиръавнларнинг мудофаа тизимини ўрганишда муҳим мәнба бўлиб хизмат қилади.

МУҲИМИ ЛОҚАЙДЛИККА БЕРИЛМАСЛИК

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига кўра, дунё бўйича А(Н1N1) вируси тўфайли ҳалок бўлганлар сони 100 кишига етган. Касалликни ўн икки минг одам юқтириб олган. Ушбу вирусни юқтирганлар айниқса, АҚШда кўпчиликни ташкил этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мазкур хасталикка қарши курашишда лоқайдликка берилмаслик, давлатлар ўртасида кириш-чиқиш вақтида назоратни янада кучайтириш лозимлигини уқтирмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ

Одоб-ахлоқ, инсоний фазилатлар ва муносабатлар, айниқса, миллий тарбия ҳақида мудом ҳўп гапири- лаётир, кўп-кўп ёзилаётир, давра суҳбатларида, йи- гин ва дарсларда, катта минбарларда қайта-қайта ай- тилаётир. Бу фикр-мулоҳазаларни лўнда қилиб таъ- рифлайдиган бўлсак, асосий гап инсон маънавияти ҳақида бораепти. Юртбошимиз мустақилликнинг да- стлабки йилларидан бошлаб маънавият, маънавий тарбия тўғрисида ҳамиша куюниб гапириб келаяпти.

Айниқса, болалар ва ёшлар тарбияси қайта-қайта тилга оли- наётгани, нуфузли йиғинларнинг кун тартибига кўйилаётгани бежиз эмас. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан амалга оши- рилаётган болалар спортини ри- вожлантириш, болалар мусиқа санъатини янада юксалтиришнинг замирида ҳам болалар маънавия- ти ва тарбияси ётганлиги ҳамма- мизга яхши аён.

Тарбиянинг тайёр қолипи ё аниқ механизми йўқ. Ёки айрим камёб маҳсулотларга ўхшаб четдан им- порт қилинмайди. Тарбия фақат ин- сонга хос бўлган ноёб хусусиятдир. Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида ёзгани- дек: «Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва

олам маъно яширин. Хар қайси мил- лат ўзини-ўзлигини намоён этишда аввало, маънавий тарбияга суюна- ди. Тарбиянинг илдизи оиладан бошланади. Ота-онага, катталарга ҳурмат, уларнинг кадр-қимматини ўрнига кўйиш, фарзандлик бурчини адо этиш, қарздорлик ҳис қилиш — ҳамма-ҳаммаси оиланинг тарбия- вий муҳити ва аънавалари билан чамбарчас боғланиб кетган.

«Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало, инсонни тушуниш, англаш керак», деса, бошқа бир ўринда: «Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шаклла- тириш ва юксалтиришда, ҳеч шуб- ҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийёсдир», деб ёзади. Оиладаги муҳит, одоб-ахлоқ даражаси ва маънавий мезон бола тарбиясида қанчалар муҳим аҳамиятга эга

ақлли, меҳнатсевар, иймон-эти- қодли фарзанд нафақат ота-она- нинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиги эканлигини гурур ва меҳр билан таъкидлайди.

Тарбия бир кунлик ёки ойлик жараён эмас. У хар куни, хар со- ния шуғулланишни талаб этадиган узлуксиз ва машаққатли фаолият. Мевали дарахт узоқ йиллик меҳнат- дан сўнг мева берганидек, тарби- янинг ҳосили ҳам бола улғайиб борган сари яққол сезила бошлай- ди. Тарбия жараёнига киришишдан олдин ўзимиз бу эзгу ишга қанча- лар тайёрлигимизни билиб олиши- миз шарт.

«... бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз». Президентимизнинг ушбу сўзлари қалбларимизга маъ- навиятнинг, тарбиянинг мангу нур- ларини олиб кирази. Қалбларимиз ҳамиша маънавиятнинг ана шу те- ран нурлари билан ёруғ бўлишига ишонамиз.

Ашуралӣ Жўраев,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

МАЪНАВИЯТ НУРЛАРИ

У бизнинг қалбимиз ва онгимизни қанчалар ёритмоқда?

Юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оила- нинг ўрни ва таъсири беқийёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйгулари, илк ҳаётий тушунча ва та- савурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг ха- рактерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар яхшилиқ ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор- номус ва андиша каби муқаддас ту- шунчаларнинг пойдевори оила ша- роитида қарор топиши табиийдир». Бу ҳаётий мулоҳазаларда олам-

Тарбиянинг асосий негизи оила- да шаклланади, оилада намоён бўлади. Агар оила тарбия муҳити- дан маҳрум бўлса, болалар ҳам тарбиядан маҳрум бўлади, тарбия кўрмай вояга етади. Тарбиясизлик эса болаларни ёмонлик, ахлоқсиз- лик ва иллат кўчаларига бошлай- ди. Иллатлар ўз навбатида кичик жиноятларга кўл уришга олиб ке- лади. Жиноят кўчасига кирган бо- ланинг тақдири қандай кечилиши ҳаммамиз яхши биламиз.

Президентимиз бир ўринда:

эканлиги, ота-она, бобо, момола- рига меҳри ва ҳурмати, атрофда- гиларга инсоний муносабати ва оилавий тарбияда асло хатоларга йўл кўйиб бўлмаслиги алоҳида таъ- кидланган. «Ақли расо хар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб атал- миш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшай- ди», деб ёзади муаллиф. Шу бил- лан бирга одобли, билимдон ва

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОТА-ОНА БАХТИ

Юртимизнинг келажиги, эртанги кунимиз ворислари бўлган болажон- ларнинг хар жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга етишлари учун бугунги кунда барча қулайликлар яратилган. Айниқса, уларнинг жисмонан соғлом, тетик бўлиб ўсишлари жуда муҳим. Негаки, «Соғлом танда соғ ақл», деб бежиз айтилмаган. Зеро, етти мучаси соғ инсонгина чин маънода бахтли, барка- мол бўлади, эл-юрт равнақиға муносиб улуш кўша олади.



ХАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Кеча томоша қилган даҳшатли кино- нинг кўрқинчли лавҳаларини ҳаёлидан ўтказаетган Собиржон кўрпани боши узра тортиб, гўжанак бўлиб олди. Шу топ де- раза роми очилгандай бўлиб, нимадир у- стига тўп этиб тушди. Боланинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб ура бош- лади. Бақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, овози чиқмади. Кўрпанинг устидан тўё му- шукдек энгил кўчиб ўтган шарпа холаси- нинг эшигини очгандай бўлди. Кўркувдан кутулишининг ягона йўли уйқу эканлиги- ни билса-да, боланинг кўзига ҳадеганда уйқу келавермади. У шу зайл қанча вақт ётганини билмайди, бир пайт кутилмаган зарбадан сапчиб ўрнидан турди.

— Бор, қўйлардан хабар олиб кел! — деди сочлари тўзигиб кетган холаси.

— Қўрани маҳкам қилиб бекитганман. Кейин ярим кечаси дарё томонга боришга кўрқаман, — деди бола кўзларини ишқалаб.

— Сенга балоям урмайди, тез бўл!

— Ўртоғим Дилмуродникида даҳшат- ли кино кўрганмик, ҳеч хаёлимдан кет- маяпти. Бунинг устига боя уйга кимдир киргандай бўлди, — деди бола.

— Раҳматли эримнинг арвоҳи тез-тез келиб, мендан хабар олиб туради, — деб аёл халатининг очиқ ёқасини ёпди-да, болага қараб: — Ҳалиям ётибсанми, онкўр, — деб бақирди.

Собиржон қандай қилиб кўчага чи- қиб кетганини билмай қолди. Ич-этини саяётган аламзадалиқ боладаги кўрқувни бироз босгандай бўлди. Шу аёлга таш- лаб, четга ишлагани кетган онасидан қаттиқ ранжили. Отаси эрта ўлиб кетма- ганида, балки у ҳам ҳозир бошқа бола- ларга ўхшаб туннинг ширин онларида маза қилиб ухлаб ётган бўларди. Унинг учун энг қийини қабристон ёнидан ўтиш. Гарчи атрофи паҳса девор билан ўралган бўлса-да, негандир бола учун ваҳимали туюларди. Холаси- нинг арвоҳ ҳақидаги гапи эса вужудини чулғаб олган ваҳи- мани баттар оширди. Тунов куни қўй боқиб юришганда Санжар эша- гининг хар куни эрталаб қаттиқ чарчаб, терлаб туришини гапириб берган эди. Да- дасининг айтишича, эшакни ярим тун- да ажина-арвоҳлар келиб минармиш. Шу пайт узоқдан эшакнинг қанграгани эши- тилди. Бола тут дарахти панасига яши- ринди. Аравага қўшилган эшак шу ерга келиб тўхтади.

— Эшакни тутга боғла, ортга қайтиб йўлда қаровсиз қолган машинани кўриб келамиз, — деди каттароқ бола кичигига. Собиржон уларни таниди ва дарҳол пеш- воз чиқди.

Бу борада республика ИИБ Марказий поликлиника- сийда ҳам талайгина ишлар амалга оширилаётир.

— Болажонларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни ўз вақтида профилактик кўриқ- дан ўтказиб, соғломлашти- риш ишларини бекаму кўст олиб бориши бизнинг вазифамиздир, — дейди олий тоифали шифокор Марҳамат опа Комилова.

Ушбу шифо маскани- да 36 йилдан буён иш- лаб келаётган, тажриба- ли болалар шифокорининг юз-кўзларида ҳам болалар- га хос бегуборлик зоҳир. У болақайларни ўзгача меҳр билан эркалаб-эркалаб кўриқдан ўтказаетир. Ширин- гина қизалоқ йиғидан тўхтаб, жимгина туради. Опа уни тек- шириб кўриб керакли дар- мондориларни ёзиб, тавсия- номани аёлга тутқазади.

Сўхбатдошим гапини да- вом эттириб, шундай дейди:

— Биласизми, болалар бамисоли ниҳолдек нозик. Уларга ўз вақтида эътибор берилмаса, кейин кеч бўли-

ши мумкин. Эътиборсизлик оқибатида болалар ўртаси- да камқонлик, рахит, буюқ сингари хасталиклар учра- моқда. Биз шундай ташхис кўйилган болаларни рўйхат- га олиб, зарур бўлган муо- лажаларни мунтазам равиш- да ўтказаяпмиз. Сўнггра нати-

**Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур.
Ислои КАРИМОВ.**

жаларини текшириб тура- миз. Барча болажонларнинг ота-оналари билан суҳбат уюштириб, уларга витамин- ларга бой озиқ-овқат, ҳўл мева ва шарбатлар билан овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш ва сайр қилдириш бола учун жуда зарур экан- лигини тушунтираемиз.

Ҳа, ИИБ Марказий поли- клиникаси болалар бўлинма- сийда олиб борилаётган иш- лар мақтаса арзиғулик. Да- волаш — физиотерапия хо- наси янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ультра-

товуш ташхиси, электрокар- диограмма аппаратлари ши- фокорлар ихтиёрида. Уқалаш хоналари саранжом- саришта, озода.

Нафақат бирор хасталик- ка чалинган болаларга, бал- ки барча кичкинтойларга бу ерда эътибор кучли. Уларни хар йили тиббий кўриқдан ўтказиш, қон таркибини текшириб бориш йўлга кўйилган. Зарур ҳоллар- да болаларни Бешёғочда- ги болаларни соғломлашти- риш маркази ёки Се- машко номидаги сихатгоҳга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Хулоса қилиб айтиш мум- кинки, бугунги кунда юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари хо- димларининг фарзандлари соғлиғи муносиб ҳимоялан- ган.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Постда» муҳбири.

Тошкент шаҳри.

Сурат: **М.Комилова** иш
пайтида.

Абу КЕНЖАЕВ
олган сурат.

— Чўчитиб юбординг-ку, чўчка, — ба- қирди Расул.

— Илтимос, мени қабристондан ўтқа- зиб қўйинглар, қўйлардан хабар олишим керак, — ялинди Собиржон.

— Яхши, фақат бирпас эшакка қараб тур, шундоқ борамизу — келамиз, — деди Достон. Бўш елим идишларни кўтариб кетган болалар бир зумда уларни бензинга

— Бундай онанинг боридан йўғи яхши, — овозини кўтарди Расул ҳам.

— Очиғини айтганда сенинг холанг ҳам яхши аёл эмас, — деди Достон.

— Яхши бўлганда уни ярим тунда уйидан чиқариб юборармиди? — дўсти- нинг гапини маъқуллади Расул. Собиржон уларнинг пинжиги тикилиб, ён-атрофга олазарақ қараб, секин шивирларди:

ТУН ҚЎЙНИДАГИ

тўлдириб келишди.

— Бугун овимиз чакки бўлмади, — деб қорайган тишларини кўрсатиб кулди Расул.

— Бу ахир ўғирлик-ку, — деди Собир- жон.

— Тул қолган онангнинг эрга чиқмай юрганига шукр қил. Бўлмаса, менга ўхшаб ўгай отанинг газоби ва калтагига чидамай, пул топишининг бундан ҳам баттар йўлларини излардинг. Ёки онанг Достоннинг онасига ўхшаб, наркоман бўлганида...

— Онангга тил теккизма! — унинг га- пини бўлиб, асабий бақирди Достон.

— Сал олдинроқ уйга арвоҳ кирди.

— Холанг сенга чўпчак айтиб берган шёкилли, — мийғида кулди Достон.

— Арвоҳ ҳақидаги гап рост. Санжарнинг айтишича, уларнинг эшагини анчадан бери тунлари ажина-арвоҳлар минишар- миш. Эрталаб аравага қўшай дейишса эшак жонивор қулоқларини осилтириб, кўзларини мўлтайтириб турармиш, — деди Собиржон худди ўз кўзи билан кўргандай гапириб. Болалар бирдан ҳоҳолаб кулиб юборишди. Сўнг уларини аранг тўхтатиб:

— Демак, биз ажина-арвоҳлар эканмиз-

ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Келажак авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги устувор вазифалардан бирига айланган. Ёшлар ўз билими ва иқтидорини тўла намойиш этиши учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари, турли хил танловлар ташкил этилди.

нес корхоналари, миллий хунармандлик устахоналари ҳамда спорт-соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатётгани фикримизнинг далилидир. Маҳалла ҳудудидаги спорт мажмуасида 540 нафар ўсмир спорт билан шуғулланаяпти. «Каратэ-до» спорт марказининг самарали иш олиб бориши натижада беш нафар қора белбоғ, уч нафар кўк белбоғ ва

лари етишиб чиқди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Д. Турғунов, терма жамоа аъзолигига номзодлар Т. Дехқонов, Э. Мирзаралов, вилоят терма жамоаси аъзоси Н. Фазлиддиновалар спорт марказининг фахрига айланишган. М. Қаландаров, А. Сотволдиев, А. Камолдинов, У. Турдалиева каби умидли каратэчиларимиз уларнинг изидан бориб, муносиб ютуқларни қўлга киритишяпти.

Дарҳақиқат, Наманган туманидаги «Каратэ-до» спорт марказининг довуғи нафақат вилоят, балки республикада ҳам кенг таралган. Бунда тиниб-тинчимас мураббий Р. Мўминовнинг хизмати тахсинга лойиқ. У айтганидек, ҳамма ҳам чемпион бўлавермайди, лекин спорт билан шуғулланган болада аниқ мақсад, қатъият, соғлом ақл бўлади. Мустақил ҳаётдан ўз ўрнини топиб олиши, жамиятга фойда келтирувчи инсон бўлиб етишишида бу омил муҳим роль ўйнайди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда туманда болаларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги йўлида самарали фаолият олиб борилаётир. Ана шундай эзгу ишларга ички ишлар ходимлари бош-қош. Бунга биз ушбу маҳаллада бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

СЕВИМЛИ МАСКАН

20 нафар қизил белбоғ соҳиби етишиб чиқди.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, капитан М. Холиқов мактаб, оила ва маҳалла ўртасида мустақкам алоқа ўрнатгани боис мазкур йилнинг ўтган даврида ўсмирлар ўртасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Марказда кикбоксинг, энгил атлетика, волейбол тўғараклари ҳам фаолият кўрсатади, — деди мураббий, вилоят каратэ-до федерацияси вице-президенти Равшан Мўминов. — Каратэ-до билан 100 нафардан ортиқ ўғил-қизлар шуғулланмоқда. Ўтган 10 йил давомида Ўзбекистон, Осиё чемпионлари ва халқаро турнирлар голиб-

Собир Раҳимов тумани пойтахтимизнинг аҳолиси гавжум ҳудудларидан ҳисобланади. Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари натижаида маҳаллаларда осойишталик ҳукм сурмоқда.

Собир Раҳимов тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Ғайрат Ҳимматов қарийб тўққиз йилдан буён тумандаги Олимпия ва Шодлик маҳаллаларида хизмат қилиб келмоқда. Осойишталикни таъминлашда унга профилактика инспекторлари — майор Рустам Раупов, капитан Жаҳонгир Ҳалимов ҳамда маҳаллаларнинг фаол етакчилари ҳар томонлама қўмақ бериб келишяпти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ



Суратда: майор Ф. Ҳимматов «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Содиқов ва маҳалла побонлари сардори Убайдулла Усенов болалар билан.
А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

да, — деб яна қулишда давом этишди.
— Мени мазах қилаяпсизларми? — деди Собиржон бироз ғина аралаш.
— Вой овсар-ей, ахир мана шу эшак-арава Санжарларники-ку. Биз уни ярим кечаси қўшиб кетиб, чекка далалардан кунгабоқар, маккажўхори ва жўхори бошларини юлиб олиб келамиз. Товуқхоналарни ҳам «тозалаб» турамыз. Катта йўл

Собиржон зимистон тунда серрайганча яна ёлғиз қолди. Шудрингнинг қалин тушиши ёз тугаб, қуз яқинлашганидан дарақ берарди. Икки томони захкаш билан ўралган қабристон қалин қамишларнинг виқорли силкинишидан янада қўрқинчли бўлиб кўринарди. Элас кўзга ташланган шарпани сезган бола захкаш четига омонат ўтирди. Яқинлашган шарпа иккига ажралиб, тор йўлга бурилди. Шундагина бола ичкарироқда турган «Жигули» машинасини кўрди.
— Жуда беҳосият жойда тўхтаб қолган экансиз, — деди оғирроқ сумка кўтариб олган киши.

— Бирдан ток йўқолиб қолди, ҳарчанд уринмайин уни топа олмадим. Охири сизни излашга тушдим, — деди иккинчиси.
Сумкасида керакли темир бўлақларини олган киши мотор томон энгашди. Сўнг бошини кўтариб, рудла ўтирган кичига нимадир деб бақирди. Ногаҳон таралган ўткир нурдан Собиржоннинг кўзлари қамашди ва харсанг кесақлар орқасига ўмбалоқ ошиб, ўтиб олди.
— Қандайдир қора нарса қабристон девори оша сакраб тушиб, захкаш четигаги тупроқлар уюми орқасига яширинди, — бақириб юборди уста.

«МАЙЛИМИ, ҚЎҒИРЧОҒИМГА ИСМИНГИЗНИ ҚЎЙСАМ...»

САХОВАТ

Болалар билан ишлаш ҳам осон, ҳам қийин. Уларни астойдил севган, меҳр кўрини беминнат бера оладиган, қалбида болалик шиддатининг мавжлари муттасил туғён уриб турадиган инсонларгина орзумидлари тез-тез ўзгарувчан, хис-туйғулари юрак кирғоқларидан тошиб турувчи кичкинтойлар руҳиятини яхши билади. Ташвишларини ўз ташвишидек, севинчларини ҳам бирга хис қила олади.



Тошкент вилояти Бука туманида жойлашган 15-меҳрибонлик уйида юздан ортиқ етти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган, ўн бир миллатга мансуб болалар тарбияланади. Мазкур муассаса директори, кўп йиллик тажрибага эга Ҳабибулла Ҳожимуродов йигирма нафардан ортиқ тарбиячи-мураббийлар билан ҳамфикр, ҳамжихатликда уларни жамият учун фойдали инсонлар қилиб вояга етказиш, ҳақ-ҳуқуқларини англаштириш, иқтидорларини намойиш қилишга имкон яратиш устида тинмай меҳнат қилишди. Зотан, мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳар йили «Sen yolg'iz emassan» ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармалари томонидан ўтказиладиган «Камалак жилоси» кўрик-танловида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Ун ёшли Владимир Волинкин, етти ёшли Бахтиёр Саматов ёш раислар кўрғазмасининг доимий қатнашчилари. Рақс тўғарагида турли жаҳон рақсларини ўрганаётган қизларни кўриб бир қувонсангиз, тикувчилик, тўқувчилик, спорт тўғарақларида шуғулланаётган болаларнинг ҳаракатларини кўриб яна қувонасиз.

Мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бунга Ўзбекистон Республикаси ИИБ хотин-қизлар кенгаши томонидан хайрия тadbири уюштирилганда яна бир бор амин бўлдик. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ушбу даргоҳга кўпдан-кўп совғасаломлар билан ташриф бўйриган кенгаш аъзолари тарбияланувчилар тайёрлаган концерт дастурини мамнуният билан томоша қилишди. Ҳар бир бола учун аталган кийим-кечаклар, спорт анжомлари, китоб-дафтарлар, маиший техника жиҳозлари, шахсий гигиена воситалари, юмшоқ ўйинчоқларни қувонч билан қабул қилган болакайлар меҳмонларни бу ердаги шарт-шароитлар билан таништиришди. Ҳомийлар томонидан тақдим этилган компьютер хонаси, 5 мингдан ортиқ китобга эга бўлган кутубхона, икки-уч ўринли шинам ётоқхоналар, ёруғ спорт тўғараклари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Олмалик тоғ-металлургия комбинати томонидан сув ҳавзаси қуриб берилиши болаларга қувонч бағишлагани катталарни ҳам хурсанд қилди.

Мазкур даргоҳда кўплаб иқтидорли ёшлар етишаётгани ҳақида юқорида гапириб ўтгандик. Ваҳоланки, бу 25 йилдан буён мазкур даргоҳда болалар оёғига зирапча кирса киприклари билан олиб ташлайдиган, уларга меҳрини, меҳнатини, умрини бериб, астойдил ишлаб келаётган, «Дўстлик» ордени соҳиблари Людмила Садуева ва Қосима Пўлатованинг меҳру муҳаббатидан эмасмикан? Ахир самимийлик, ҳушмуомалаликни риёкорликдан, ростни ёлғондан, ҳақиқийликни сохталикдан гарчи тилида ошқора айтолмасда, дилида ажратиб оладиган мана шу болаларнинг митти юраклари эмасми? Зотан, меҳмонларнинг ташрифидан заррача ясамалик, сохталик ва ҳўжакурсинликни кўришганда уларнинг исмларини қайта-қайта сўраб, қўғирчоқларига шу исмларни қўйиб бағрига босишармиди?!

Муҳаббат ИБРАГИМОВА,
«Постда» муҳбири.

Тошкент вилояти.
Суратда: *тадбирдан лавҳа.*
Абу КЕНЖАЕВ
олган сурат.

БОЛАКАЙ

бўйидаги жийдазор ёнидан ошхона очиб олган Мейлибой деган акахонимиз олиб борган ҳар бир нарсамиз учун ҳақ беради. Яхшиси сен ҳам бизларга қўшил. Холангнинг зуғумидан қутулиб, онанг келгунча эркин яшайсан, — деди Расул.
— Мен сизларга қўшилиб ўғирлик қилишни истамайман, — деди Собиржон.
— Сен аллақачон шерик бўлиб улгурдинг. Агар бизни сотсанг бензинни умарганимизда сени пойлоқчилик қилиб, бизга ёрдам берди, деб айтамыз, — деди Достон ва шериги билан аравага ўтириб, кўздан гойиб бўлишди.

Илтимос, мен кўрқоқни кечир, — деди.
— Янглишдингиз, сизга кўринган шарпа мана бу бола эди, — деб ҳайдовчи ёнидаги ўн икки ёшлардаги болани кўрсатди. — Собиржоннинг ёрдами билан жиноят содир этиб, анчадан бери терговдан қочиб юрган Жабборни қўлга туширдик.
Шундай дея у Собиржонга юзланди.
— Сени эса бошқармамиз қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига олиб боришди. Онанг билан гаплашдик, тезда етиб келади, — деди қадрдонига айланган Қодир ака.
— Сиз ҳамманинг телефон рақамини биласизми? — сўради Собиржон.
— Йўқ, онангни холанг орқали топлдик.
— Демак, холамнинг арвоҳ ҳақидаги гапи ёлғон экан-да, — яна савол берди Собиржон.
— Ҳа.
Қодир акаси меҳр билан унинг бошини силади. Навбатчи, машина тайёр эканлиги ҳақида маълум қилди. Машинага ўтирган Собиржон анча жойга боргунча профилактика инспектори, капитан Қодир Умаровдан кўзини узмай, қўлларини силкитиб борди.
Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

ХОТИРАНГИЗ СЎНМАГАЙ АСЛО



Бу дунё бебақо. Ҳали ҳақ. Фақат кимдир ҳаётдан эрта кетади, кимдир ёшнинг яшаб, ошани ошаб ўтади. Аммо умр мазмуни яшаган йилларнинг билан эмас, қилган ишларнинг билан ўлчанади. Кимдир ўрта яшарликда бандаликни бажо келтирса-ю, эзгу, савобли ишлар қилиб улгурган бўлса, уни одамлар узоқ йиллар эзгу сўзлар билан ёдга олишади. Яқин, қадрдон одамларнингдан айрилиш, жудо бўлиш оғир, жуда оғир. Айниқса, уларни қайтиб ҳеч қачон кўролмаслигини ҳис этсанг, ўйласанг, айрилиқ азоби, ғам-ғусса юрак-бағрингни ўртаб юборади...

Ҳа, таассуфлар бўлсинки, энди ажойиб инсон, истеъдодли мусиқчи Григор Ервантович Терзяннинг фони ҳаётда ҳеч қачон кўра олмаимиз. У ички ишлар идораларида узоқ йиллар фидокорона фаолият кўрсатди. Доимо юзида ёқимли табассум зуҳур этган, самимий бу инсоннинг энди орамизда йўқлигига ишониб қийин. Паст овозда, босиқлик билан гапиришидан, ўзини тугишидан, бошқаларга муомаласидан унинг юксак маданиятли, зиёли инсон эканлиги шундоқ билиниб турарди.

Бу тасодифий эмас. Григор Ервантович Грециянинг афсонавий, мафтункор Корфу оролида таваллуд топди. Илк болалик давридаёқ ота-онаси унинг мусиқий иқтидорини пайқашди. Шунинг учун, бу ноёб иқтидорни юзага чиқариш, фарзандларида мусиқа санъатига кучли муҳаббат уйғотиш йўлида бор имкониятларини ишга солиди. Ёш Григор кўп вақтини мусиқага бағишлар, ўз танлаган йўлидан кўзлаган мақсади сари дадил ва сабот билан интиларди. Санъат соҳасида ўртамаёналик кетмайдди. Ёркин, ўзига хос истеъдод бўлмаса, барча саъй-ҳаракатларнинг фойдаси йўқ.


лион сўмлик тилла буюмлар ўғирлаб кетилганди.

Сотувчи дарҳол ички ишлар идорасига мурожаат этди. Вилоят ИИБ ППХ батальони 4-отряди ходимлари, катта сержант Ф. Акилов, сержантлар Ф. Ҳамидов ва Ш. Сафаровнинг тезкор ҳаракатлари туфайли аёл узоққа кетмай турибоқ ушланди. У самарқандлик, ҳеч қаерда ишламайдиган К. Умида бўлиб чиқди.

27 апрель кунини кечки пайт «Шарқ» клуби олдида ППХ махсус отряди ходимлари, сафдорлар Х. Замидов ва Т. Жовбуриевлар шубҳаланиб, Лолазор кўчасида яшовчи М. Алисқарни тўхтатиб текширишди. Шунда унинг ёнида 1,05 гр. марихуана борлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ходимлар йил бошидан бери бошқа хизматлар билан ҳамкорликда 173 та жиноятни «иссиқ изида» фош этишди.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА,
Самарқанд вилояти.

МИННАТДОРЧИЛИК

СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА
РАҲМАТ

Бундан бир ярим йил илгари М. Боймуратов исмли шахс навбатсиз иккита енгил автомашина олиб бераман, деб мендан 53 млн. 400 минг сўм пул олган эди. Аммо орадан шунча вақт ўтишига қарамай ваздасининг устидан чиқмади. Пулимни ҳам қайтариб бермай, сарсон қилди. Ниҳоят алданганимни билиб, Урганч шаҳридан пойтахтга келдим ва бўлган воқеа ҳақида ички ишлар идорасига мурожаат қилдим.

М. Боймуратовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ терговчилари Улғабек Жалилов ва Турсун Бойматовлар суриштирув ишлари олиб боришди. Улар ўз касбини севган, фидойи ички ишлар ходимлари эканлигига иқрор бўлдим. Чунки билимдонлик билан олиб борган тергов ҳаракатлари натижасида фирибгардан пулимни тўлиқ ундириб беришди.

Мен ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган соҳа фидойиларига миннатдорчилик билдираман. Ҳамиша касбларидан бирака топиб, ҳаётларида омад ёр бўлсин.

Кудрат ЮЛДАШЕВ.

УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

ЖАМОА ВА ОИЛА ФАХРИ

«Меҳнат инсонни улуғлайди», дея бежизга айтишмайди. Бу нақл Абдумалик аканинг севимли шоири бўлгани учун фарзандларини ҳам меҳнатсеварликка, қийинчиликларни мардонавор енгишга ўргатди. Айниқса, тўнғич ўғли Дилмуродни алоҳида талабчанлик билан тарбиялади. Чунки, катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шундан боришини биларди.

Дилмуроднинг спортга қизиқиши ҳам ота-онаси назаридан четда қолмай, унга имконият яратиб беришди. Абдумалик ака ўғлининг тиришқоқлиги, қизиққан ишига жон-жаҳди билан қиришишига ишонгани учун кўнгли хотиржам эди.

Дилмурод ота-онасининг ишончини оқлаб, мусобақаларда шоҳсупанинг юқори ўринларидан жой олиши одатга айланиб қолгач, уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Шунинг учун у ҳарбий хизматдан қайтгач, ички ишлар ходими бўлмоқчи эканини айтганида, ота-она оқ фотиҳа берди.

Уларнинг дуолари Дилмуродга қанот бўлди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, 2003 йилдан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальонидан хизмат

фаолиятини бошлади. Инсон иродасини чиниқтиришда ҳеч бир нарса спортчилик аҳамиятга эга бўлмайди. Дилмурод Қозоқбоев вилоятда тинчликни сақлаш, фуқароларнинг осойишта турмушини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олишда фидойилик билан хизмат қилиб келмоқда. Хизмат фаолияти давомида ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиши, топширилган вазифага сидқидилдан ёндашиши, ўқув ва жанговар машғулотларда юқори кўрсаткичларга эришиши билан намунали ходим сифатида обрў-эътибор қозонди. Айни пайтда у сафарбарлик отряди командирининг ўринбосари.

Кичик сержант Д. Қозоқбоев жамоанинг фахри ҳисобланади. 2003 йилдан буён қўл жанги бўйича ички ишлар хо-

димлари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда 85 килограмм вазн тоифасида доимо юқори ўринни эгаллаб келади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасидаги мамлакат миқёсидаги беллашувларда ҳам совринли ўринларга сазовор бўлмоқда. Чуқур билими, ғайрати, ўз устида тинмай шуғулланиши ва хизмат бурчига виждонан ёндашиши билан жамоала алоҳида ҳурматга эга. Отрядда ўтказилаётган жанговар, махсус-тактик ва амалий ўқ отиш машғулотларидаги юксак маҳорати, қўл жанги усуллари ҳамда тажрибаларини ёш ходимларга ўргатиб, уларда хизмат кўникмалари шаклланишида катта ҳисса қўшмоқда.

Дарҳақиқат, 28 ёшни қаршилаган Дилмурод бугун ёшларга устоз. Шу билан бирга, соҳавий хизматлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тезкор тадбирларда фаол қатнашиб, жиноятларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Яқинда вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан хизматда

алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳининг оиласига «Ташаккурнома» юборилди. Ана шулар орасида кичик сержант Дилмурод Қозоқбоев ҳам бор эди.

Ота-она учун фарзанди олиб келган раҳматдан буюкроқ бахт йўқ. Бу эса узоқ йиллар тинимсиз қилинган тарбия жараёнининг меваси ҳисобланади. Абдумалик ака «Ташаккурнома»ни ўқир экан, «Шундай кунга етказганингга шукр», дея тўлқинланиб кетди.

Юқорида бежиз оиладаги тарбия ҳақида сўз юритмадик. «Қуш уясида кўрганини қиладди», дейдилар. Бунга ҳаётий мисолларни истаганча келтириш мумкин. Узоққа бормайлик, бугун Дилмуроднинг укалари ҳам ўзи каби спорчи, улар ҳам акаси изидан боришга қатъий аҳд қилишган. Дилмурод ҳар дақиқаси ҳисобли бўлишига қарамай, хизматдан, оиласидан вақт орттириб, уларга йўл-йўриқ, маслаҳатлар беришни ўз бурчи, деб билади.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

Тарбиянинг аввали оиладан, дейишади. Ота-она маънавийатли бўлса, фарзандлари ақлли, илмли, эл қорига елка тутишга қодир инсон бўлиб улғаяди. Аммо эр-хотин бир-биридан айб қидириб, рўзгор «кема»си чамбарагини турли томонга буришса-чи?! Бу ҳолда оила пароканда, болалар тарбияси аро йўлда қолиши турган гап.

Рамзия (исм-ш а р и ф л а р ўзгартирилди) эри билан ажрашгач, рўзгор тебратишга қийналиб қолди. «Болаларим ҳам катта бўляпти. Уларни ўқитишим, уйли-жойли қилишим керак», деган ўйда синглисига қизи Гулмехрани қолдириб, хорижга жўнаб кетди.

Гулмехра ҳоласи билан бирга яшади. Ебичишида ками бўлмасада, онасини тез-тез кўргиси, у билан суҳбатлашгиси келарди. «Йўлни билганимда эди...» деб кўярди ичида.

... Хужжатларини тиббиёт коллежига топширган Гулмехра талабаларга қабул қилинди. Коллежда дугоналар орттирган қиз кўчанинг «хаво»сини олди. Дарсдан кейин кинога бориш, сайр қилиш одатий эрмагига айланди. Ҳоласи жиянининг уйга кеч қайтишидан хавотирланганда ҳам «тўрт-беш пара ўқидик», «бугун коллежда тадбир бўлди», деган баҳоналари билан осонгина ишонтитиб кўярди.

Дугонаси Саида таништирган аёл Гулмехрага ёқиб қолди. Кечқурун узоқ вақт кўзига уйку келмади. «Ўқиб нима қиламан? Муяссар опа ваъда берди. У онаминг олдиларига юборади». Онасини соғинган қиз ширин хаёлидан антикиб кетди. Навбатдаги учрашувда Гулмехра Муяссар опанинг яқин кишисига айланди-қолди. Аммо у Муяссарнинг энг жирканч иш – одам савдоси билан шуғулланишини

АДАШГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ

хаёлига ҳам келтирмади.

Бухоро шохбекатидан «Тошкент – Бухоро» автобусига ўтирган Гулмехра ёшлиқнинг бокира туйғулари билан бутунлай хайрлашаётганини билмасди. У фақат бир нарсани – онасининг бағрида бўлишини ўйларди, холос.

Пойтахтда қизни Муяссарнинг келини Гуландом «илиқ» кутиб олди. Гулмехра ноқонуний йўллар билан кўшни давлатга келганда алданганини сезди. Бироқ қизнинг қўлидан ҳеч нима келмасди. Бирлашган Араб Амирликларида жиноий тўданинг бошида турган М. Амированынг ўғли Анвар «мол»ни қабул қилиб олди. Гап нимадалигини англаган Гулмехра эркисиз, қафасдаги қушчага ўхшарди.

– Мен..., мен..., қиз боламан-ку ахир, – дея олди холос.

– Нима бўпти? Ҳалиям сени ҳеч ким ўғил бола демаяпти. Сен қиз бола бўлганинг учун ҳам бу ерга келтирилгансан.

– Жон опахон, илтимос, уйимга қайтишимга ёрдам беринглар...

– Бўпти, дийдиё қилма. Ўзинг учун сарфланган харажатларни тўлаганингдан кейин, тўрт томонинг қибла! – деди қошларини чимириб аёл...

Гулмехра уйга қайтмаган кеча нафақат холаси Ибодат, балки бувиси, яқин қариндошларининг ҳам тинчи бузилди. Қизи йўқолиб қолганини эшитган Рамзия уйига қайтди. Минг бир азоб билан қизи кимларнинг қўлида эканлигини аниқлади. Гулмехрани тутқинликда сақлаб турган, қизларни қул сифатида сотадиган «босс» билан телефон орқали гаплашди.

– Қизинг учун саккиз минг «кўки»дан берасан! Кейин уни сенга топширамиз.

– Бунча пулни қаердан оламан?..

Афсуски, бу муаммо «босс»ни қизиқтирмасди. Чунки у нафс кўйида одамийликни унутиб, жирканч қиёфага кирган эди...

Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Гулмехра тугилиб ўсган юрти – Бухорога қайтди. Бироқ шўх-шодон қизалоқ эмас, балки руҳияти синиб, аламзада, жабрдийда сифатида қайтди.

Тарбия – ўта нозик масала. Хусусан, қиз бола онанинг маслаҳати, панд-насихати, ўғитларига ҳар доим эҳтиёж сезади. Рамзия пул топиш мақсадда ўзга юртга кетиб қолганида, аёнки бугунги кунда надомат чекмас эди.

Яна бир мулоҳаза. Миллат шаънини топтаб, инсон ҳуқуқларини оёқости қилиб, номусини поймаётган бўлмай даромад топаётган аёл – Муяссар Амирова оналик мартабасига лойиқмикан? Ўғли ва келинини одам савдосидек қабих жиноятга бошлаган аёл кун келиб қонун, қолаверса, виждони олдида жавоб беришни наҳотки, ўйлаб кўрмаган бўлса?!

Фахриддин ФАТОВЕВ,
подполковник.
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист.

Бухоро вилояти.

ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

Кони зарар ўсимликлар

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари томонидан жойларда инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаларининг салбий оқибатлари ҳақида суҳбатлар уюштирилиб, видеофильмлар намойиш этилмоқда. Аҳолига наркотиклар билан ноқонуний муомала қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш, сақлаш ва сотиш жиноят эканлиги тушунтирилмоқда. Жамоатчилик вакиллари билан бирга ўтказилган рейдлар давомида айрим фуқароларнинг ноҳуя ишлари фош этиляпти.

Яқинда Оҳангарон шаҳрида яшовчи пенсионер Т. Ҳалиманинг уйи текширилганда томорқасида 5 туп кўкнори ўсимлиги парваришланаётгани аниқланиб, тегишли тартибда йўқ қилинди. Қуйичирик туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Ватан қишлоғида истикомат қилувчи, вақтинча ишсиз М. Назарнинг хонадошида 10 туп ёввойи наша ўсимлиги ўсаётгани маълум бўлди.

Юқоридагиларга ўхшаш ҳолатга Оҳангарон тумани Янги ҳаёт кўрғони ва Фаллақудуқ кўрғонидан Б. Мирсаид ҳамда Т. Хайрулла ҳам

йўл қўйган. Маълум бўлишича, Б. Мирсаид даласининг четида икки туп, Т. Хайрулла ҳовлисининг бир бурчагида эса олти туп ёввойи наша ўсимлиги «барқ ураётгани» аниқланиб, йўқ қилинди.

Ички ишлар ходимлари таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар экилган жойларни аниқлаш билан чекланиб қолмай, наркотик моддалар савдоси, сақлаш билан машғул бўлган шахсларга кескин чоралар кўриш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширишмоқда.

Х. РЎЗИЕВ.

Тошкент вилояти.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Яна бўйин эгиб қолишди

Маълумки, мамлакатимиз истикломга эришгач деярли ҳар йили амнистия эълон қилиниб, билиб-билмай жиноят содир этган шахслар, энг аввало, аёллар, ногиронлар, кексалар ҳамда вояга етмаганлар муддатидан олдин жазодан озод этилмоқда. Шунингдек, асосий эътибор уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилишдек оғир жазо чораларини қўлламаслик ёки тамомила жазодан озод этишга қаратиляпти.

Аммо инсонпарварлик, меҳр-муруват, саховат, кечиримлилиқдан тўғри хулоса чиқармай, яна жиноят кўчасини танлаётганлар ҳам оз эмас. Ўрни келганда мисолларга мурожаат қилайлик. Учқудуқ туманида туғилган, энди 26 ёшни қаршилаган Г. Виктор икки марта судланган. Дастлаб 19 ёшида ўғирлик қилгани учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, амнистияга асосан жазодан озод қилинган. Лекин Виктор берилган бу имкониятдан тўғри хулоса чиқармади. Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланиш ёки ўқиш ўрнига яна жиноятга қўл урди. У Учқудуқ шаҳридаги хонадонлардан бирига кириб, Т. Ивановга тегишли DVD плеер, 3 донга DVD дискни ўғирлаб, 79 минг сўм моддий зарар етказди. Бу қилмиши учун Г. Викторга Томди туман суди томонидан 2 йил муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш тарикасидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган эди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Ўғирликни ўзига

қасб қилиб олган Виктор яқинда яна жиноятга қўл урди. У ўзганинг молмулкни талон-тарож қилиш мақсадида Учқудуқ шаҳридаги хонадонлардан бирига кирди. У ердан О. Шевченкога тегишли уч донга уяли телефон ва бошқа буюмларни ўғирлаб, хонадон эгасига 535 минг сўм моддий зарар етказди.

Учқудуқ шаҳрида истикомат қилувчи Г. Вагид эса айни меҳнат қилиб, тоғни талқон қиладиган даврида суднинг қора курсисига ўтирди. У биринчи марта 1997 йили 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини тўлиқ ўтаб чиққан эди. 2001 йили унга жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман суди 2 йил муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш тарикасидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Орадан бир йил ўтгач, амнистияга асосан озод қилинди. У тўғри йўлни танламай, яна қалтис қадам қўйди. 2009 йил 28 март куни наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида МХХ ҳамда туман ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир пайтида Г. Вагид уйда Ш. С. га 40 минг сўм пул эвазига героин сотаётган вақтда қўлга олинди.

Ҳозирда ҳар икки ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Жиноятга жазо муқаррарлигини унутган, айни ёшлик чоғида ҳалол меҳнат қилиб пул топиш ўрнига, эгри йўлга кирган бу «азаматлар» энди қонун олдида жавоб беради.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
катта сержант.

Навоий вилояти.

НОЖЎЯ ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

МАСТЛИК ОҚИБАТИ

Тошкент вилояти Ўртаҷирчиқ тумани Собир Раҳимов кўчасида Россия Федерацияси фуқароси У. Светлана спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бирга яшовчи Н. Турдибой билан жанжаллашиб, унинг қорнига тиг санчди. Натижада жабрланувчига Тошкент тиббиёт академияси шифохонасида тиббий ёрдам кўрсатилди. У. Светлана қилмишига яраша жазо олади.

ДАЛА ҲОВЛИДАГИ БОСҚИНЧИЛИК

Тожикистон Республикаси фуқароси О. Сафарали қонунга хилоф равишда мамлакатимиз давлат чегарасини бузиб, Сурхондарё вилоятига кириб келди. У дастлаб турли жойларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланди. Шу йилнинг 26 январь куни тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахс билан олдиндан тил бириктириб, босқинчилик жиноятини содир этди.

О. Сафарали жиноий шериги билан Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ички ишлар вазирлигига қарашли дала ҳовлилар уюшмасида фуқаро Д. Майгатовга тегишли ҳовлига кириб, қоровул Х. Тағировга ҳужум қилди. Жиноятчилар қоровулнинг оёқ-қўлини боғлаб, унга тегишли

ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАВОБ БЕРАДИ

Россия Федерацияси фуқароси М. Сергей суднинг қора курсисидан жой оладиган бўлди. Гап шундаки, у Қарши шаҳри У. Юсупов кўчасида фуқаро И. Мўминовнинг кўрагига пичоқ билан уриб, жароҳат етказди. Натижада жабрланувчи касалхонага ётқизилган.

М. Сергейга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айб эълон қилиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

ОТ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Қирғизистонлик Т. Дилшод илгари ҳам судланиб, жазони муддатидан олдин ўтаб чиққан эди. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқармади. У ғайриқонуний ҳаракатлари билан белгиланган тартибни бузиб, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Ёрқишлоқ фуқаролар йиғинига айланма йўллар орқали кириб келди.

Бундан ташқари, шу куни маст ҳолда Оқтош ариқ кўчасида турган Э. Қаҳқоровга тегишли, нархи 2 млн. 500 минг сўмлик отни 110000 сўмлик эгар ва юганлари билан ўғирлаб кетаётганида ушланди. Т. Дилшод қилмишига яраша жавоб беради.

37 минг сўмлик «Самсунг» русумли DVD плеерни олиб қўйишди. Экспертиза хулосасига кўра, воқеа жойидан О. Сафаралининг қўл бармоқ излари топилди ва унга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

АЛДОВИ ЎТМАДИ

Қозоғистон Республикаси фуқароси Е. Абилай Тошкент вилояти Тошкент туманида яшовчи таниши И. Анвар билан жиноий тил бириктирди. У ўзига тегишли «КамАЗ» русумли автомашинани И. Анварга Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш учун берди. Анвар эса «КамАЗ» русумли автомашинасининг давлат белгиларини Е. Абилайнинг машинасига тақиб, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасидан фойдаланган ҳолда Қўрай тумани ҳудудидаги божхона масканларидан бири орқали мамлакатимизга кириб келаётганида божхоначилар томонидан аниқланиб, ушланди.

Е. Абилай божхонадан алдов орқали кўп миқдорда – бозор нархи ўртача 25 млн. 300 минг сўмни ташкил қилувчи юк автомашинасини мамлакатимизга ноқонуний равишда ўтказишга уринди. Унинг бу жиноий хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан малакаланди.

Н. АСЛОН.

ФУТБОЛ

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида XVIII спартакиада дастурига киритилган футбол мусобақаси ўтказилди. Унда ўн иккита жамоа бош соврии учун тўп сурди.



Беллашувларга тўхталадиган бўлсак, финалга чиқиш учун футболчилар астойдил ҳаракат қилишди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, ИИВ Марказий аппарати ҳамда ЖИЭББ жамоалари аъзоларида мусобақа ғолиби бўлишга иштиёқи кучли эди. Аммо фақат кучлиларгагина омад кулиб боқди.

Қизғин ва мурасасиз беллашувларда республика ИИВ Марказий аппарати ва вазирлик ЖИЭББ жамоалари учинчи ўрин учун тўп сурди. Қизиқарли кечган учра-

шувда ИИВ Марказий аппарати жамоасининг кўли баланд келди. Ўйин тақдирини ҳал қилган ягона голга вазирлик ШТБИХ бўлинма бошлиғи, майор Нўъмонжон Юнусов муаллифлик қилди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи финал баҳсида республика Миллий хавфсизлик хизмати ва республика МХХ Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси жамоалари майдонга тушишди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ташаббусни ўз кўлига олган МХХ футболчилари ҳисобни очишди.

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас чегарачилар жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлишди. Аммо МХХ вакиллари яна икки бор рақиб дарвозасини ишғол қилиб, турнирда тенгсиз эканликларини исботлашди.

– Бу галги мусобақага жамоалар яхши тайёргарлик кўришгани сезилиб турди, – дейди республика «Динамо» ЖТСЖ ўқув-спорт бўлими бошлиғи, майор Б. Латипов. – Гувоҳи бўлганингиздек, қарийб икки ҳафта давом этган беллашувларда кучлилар сараланди.

Баҳслар ниҳоясига етгандан сўнг республика ИИВ Марказий аппарати жамоаси сардори, лейтенант С. Эсановни суҳбатга тортдик:

– Мусобақада учинчи ўринни қўлга киритганимиз чакки бўлмади. Аммо келгусида маҳоратимизни янада оширишимизга тўғри келади. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва спортчилар Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» муҳбири.
Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



БОКС

ШОҲСУПАДА – ДИНАМОЧИЛАРИМИЗ

17–24 май кунлари Россиянинг Новосибирск шаҳрида МДХ динамочилари ўртасида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вакилларимиз совриндорлар сафидан жой олишди.

57 килограмм вазн тоифасида рингга кутарилган ҳамюртимиз – Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Баҳодир Султонов барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, динамочиларимиздан Шаҳриёр Исаков (51 кг.), Орзубек Шайимов (54 кг.), Фаррух Қиличев (75 кг.) ўз вазн тоифаларида бронза медал соҳиби бўлишди.



АМАЛИЙ СПОРТ

ЭПЧИЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қарши шаҳридаги «Динамо» ўйингоҳида вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги хизматининг касбийлаштирилган ҳамда ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмлари ўртасида ёнгин ўчириш амалий спорти мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 18 та жамоа иштирок этди. Спортчилар ишғол қилиш нарвонидан ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кутарилиш, ҳаракатли силжиш нарвонидан ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кутарилиш, 100 метрли тўсиқлар оша югуриш, 4x100 метр эстафета бўйича ўзаро беллашди.

Ишғол қилиш нарвонидан ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кутарилиш бўйича биринчи ўринни Чироқчи тумани ИИБ ЁХБ 7-КЎХҚ спортчилари қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар 11-КЎХҚ (Шаҳрисабз тумани) ва 10-КЎХҚ (Муборак тумани) терма жамоаларига насиб этди. Шахсий биринчиликда фахрли ўринларни Чироқчи тумани ИИБ ЁХБ 7-КЎХҚ вакиллари Неъмат Хуррамов, Фанишер Ўткиров, Ақтам Тожиевлар эгаллашди.

Қолган турлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Чироқчи тумани ИИБ ЁХБ 7-КЎХҚ, иккинчи ўринни Шаҳрисабз тумани ИИБ ЁХБ 11-КЎХҚ ва учинчи ўринни Эса Нишон тумани ИИБ ЁХБ 3-КЎХҚ ходимлари эгаллашди.

Шунингдек, вилоят ИИБ ЁХБ

биринчилиги учун ҳам ёнгин ўчириш амалий спорти мусобақалари ўтказилди. Унда вилоят бўйича 20 та ХЎХҚ жамоаси ўз маҳоратини намойиш этди.

Тўрт тур бўйича ўзаро беллашувлар натижасига кўра, умумий ҳисобда Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ХЎХҚ жамоаси тенгсиз деб топилди. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини 4-ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отрядига қарашли 12 ва 21-ХЎХҚ спортчилари банд этишди.

Мусобақа сўнггида ғолиб жамоалар юқори кўрсаткичларни қўлга киритган спортчилар Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Н. РАҲИМОВ,
майор.
С. АМИНОВА.

Қашқадарё вилояти.

31 МАЙ – ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЎЗИДАН ХУМОРИ ЁМОН



Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қатор Европа давлатларида чекишга қарши чекловлар қўйилди. Бу албатта аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилаётганини англатади. Ҳозирги кунда бутун ер юзидаги давлатлар ушбу муаммо билан курашиб келмоқда. Италия аҳолисининг учдан бири кашанда бўлиб, 2005 йилдан меҳмонхона, бар ва ресторанларда чекиш тақиқланди. Сигарет қутиларида чекиш соғлиқ учун зарарлидир, деган ёзувнинг ёзилиши ва вояга етмаганларга тамаки сотиш тақиқланиши ижобий самара бермоқда.

Маълумотларга кўра, чекмайдиган кишиларга нисбатан 30 ёшлар атрофидаги чекувчи эркакларда миокард инфаркти икки марта кўп учрайди. Кўп чекувчиларда сурункали бронхит хасталиги борлиги аниқланган. 40–45 йил мобайнида чекиб келган кишиларда чекмайдиганларга қараганда ўпка раки 10–20 марта, оғиз бўшлиғи раки 10 марта, қизилўнғач раки 4–5 марта кўп учрайди. Дунё бўйича чекиш оқибатида йилига 5 миллион киши вафот этмоқда. Ўпка ракининг 90 фоизи чекиш оқибатида юзага келади.

Чекадиган отадан туғилган боланинг юзтадан

тўрттаси нобуд бўлиши мумкин. Кашанда оналардан нимжон болалар туғилади. Бир донга сигарет кишининг 6 дақиқали, 20 донаси икки соатлик инсон умрига зомин бўлади. Тамаки чекиш киши умрини 15 йилга қисқартиради.

Жаҳондаги кўпгина олимлар никотин мойиллигига қарши янги даволаш усулларини ишлаб чиқмоқда. Кейинги пайтда кашандаликка қарши турли хил дорилар тайёрланиб, сотувага чиқарилаётди. Тамаки хуморини камайтириш учун энг кенг тарқалган воситалардан сақичли, қонфетли воситалар, шунингдек, ингалятор, спрей иш-

латилмоқда. Шу ўринда чекишни ташламоқчи бўлганларга қуйидаги тавсияларни ҳавола этамиз.

Кўп чекиладиган кўнгилочар жойларга имкон қадар борманг. Ўзингиз хушламайдиган сигаретни сотиб олганингиз маъқул. Ёнингизда сигарет олиб юрманг. Тамакига бўлган майлингизни сўндириб борганингиз яхши. Чекишни ташлаб, келажақдаги соғлом ва бахтли ҳаётингизни тез-тез қўз олдингизга келтиринг. Ана шунда кўзлаган мақсадингизга осон эришасиз.

Р. КУНИШЕВ,
ИИВ СЭНБМ бошлиғи
ўринбосари,
подполковник.

Табриклаймиз!

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, подполковник **Бобоқул ШАМСИЕВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, сермазмун умр ва хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Қалбингиздан қувонч, хонадонингиздан тотувлик, файз-барака аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Йиртқич хайвон	▶				Б		
Транспорт тури	▶				О		
Устоз	▶				Л		
Баҳор таоми	▶				А		
Бол йиғувчи хашарот	▶				Л		
Аляска туб халқи	▶				И		
Антарктида сув қуши	▶				Г		
Маймун тури	▶				И		
Баҳор гули	▶				М		
					–		
Компьютер қисми	▶				П		
Эралардан бири	▶				О		
Европадаги пойтахт	▶				Ш		
Ниагара ...си	▶				Ш		
Платоннинг шарқдаги номи	▶				О		
Маугли муаллифи	▶				Л		
Энг кичик қуш	▶				И		
Халтали жонивор	▶				Г		
Сабзавот	▶				И		
Сомса тури	▶				М		

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Ярим тунда Каримнинг қулогига аллақандай шивир-шивирлар чалинди. Аввалига уйку аралаш ҳеч нарсани тушунмади. Кўзларини уқалаб, уйқусини қочириб астойдилроқ қулоқ тутса, бу овоз онасининг ётоғидан келяпти.

Яна кунларнинг бирида уларниқига маҳалла оқсоқоли икки нафар мўсафид билан кириб келгани ҳам эсида. Ҳа, айтмоқчи, аммаси ҳам бор эди ўша кунни. Лекин бир оғиз ҳам гапирмади. Каримнинг бошини силаб, пешонасидан ўпиб қўйди холос. Кейин дастурхон попугини ўйнаб вақт ўтказди, кўзларига гилт-гилт ёш.

Ҳамма гапни оқсоқол айтди.

— Уялсангиз бўларди, Ҳожирахон, гуноҳдан кўрқинг! Ҳеч бўлмаса мана бу норасидаларни юз-хотир қилинг! Қиз чиқариб, ўгил уйлантирадиган даврингиз яқин, ўшанда бировнинг эшигини тақиллатиб боришни ўйланг!

Мўсафидлар бошларини қимирлатиб, унинг гапларини тасдиқлаб туришди.

Онаси эса бу гап-сўзларнинг ўзига ҳеч қандай алоқаси йўқдек тутарди ўзини. Қарсиллатиб сақич чайнаган кўйи:

— Мен ҳам аёлман, эрим ўлган бўлса менда нима айб? Мени тергашдан бошқа ишларинг йўқ шекилли-а? Кейин яна қўшиб қўйди:

— Хотиржам бўлинглар, ўзим ҳам майда гап-сўзлардан тўйиб кетдим. Яқинда бош олиб кетман, қутиласизлар ўшанда!

Карим бу гапни шунчаки дағдага деб уйлаганди. Аммо рост экан. Орадан ҳафта ўтмай, онаси така мўйловли бир эркак билан кириб келди. Иккови бир-бирига «жоним-жоним» деб гапирарди.

Онаси у-бу нарсаларини кат-

тагина жомалонга жойлади-ю хатти-ҳаракатларини лолу ҳайрон кузатиб турган фарзандларига бепесанд деди:

— Мен уч-тўрт кунга зарур иш билан кетяпман, эсли бола бўлиб ўтиринглар, хўпми?

Шу бўйи қайтиб қорасини кўрсатмади. Яхшики, уларнинг бахтига аммалари бор экан. Йиглай-йиглай жиянларини уйига олиб кетди. Эшиқларига қулф осилди.

Кейинчалик онасининг ўша эркак билан узоқ яшамай аж-

Чамаси ўн беш кунлар бўлди. Кечки пайт ишдан қайтса, опа-си Комила меҳмон бўлиб келибди. Келини билан чақчақлашиб, телевизор кўриб ўтиришган экан. Опа-уканинг суҳбати қизигандан-қизиди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, келин дастурхонни йиғиштириб, ошхонага ўтганда, иккови ёлғиз қолди.

— Кайфиятингни бузмагину айтмасам бўлмайди, — деди опа-си шивирлаб. — Анави қайтиб келибди. У ер-бу ерда тил-ла-м-чи-ли-к қилиб юрганмиш.

Ушандан бери Каримнинг дили ёришмасди...

— Бу гапларни сизга қай юз билан, қай тил билан айта оламан, Раҳим Оллоёрович! — деди Карим дағ-дағ титраб. — Сиз айтмоқчи, мана бу оқ сут берган онажоним ўшанда уч-тўрт кунда қайтиб келаман, деганди. Уч-тўрт кун роппа-роса йигирма саккиз йилга чўзилди-я!

Раҳбар ҳам ғалати аҳволга тушиб қолганди. Ранги ўзгариб кетган, лаблари асабий учарди.

— Ўзингизни босинг, Каримжон, сиз эркак кишисиз!

Шундан кейин узоқ жимиб қолди. Пашша учса билингудек сукунат чўкди. Бу сукунатни бузишга ҳеч кимда журъат етишмасди.

Ниҳоят Раҳим Оллоёрович томоқ қириб олди.

— Майли, сиз бораверинг, — деди аввалгидек «хола» дейишга тили бормай. — Мен Каримжонга тушунтириб қўяман. У олижаноб йигит, ёрдам бериб туради сизга.

Кампир дудуқланиб бир нарсалар дегандек бўлди, кейин бир-бир босиб хонани тарк этди. Маҳзун кайфиятдаги раҳбар лабига сигарет қистирди. Каримдан эса ҳамон садо чиқмасди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Фарғона вилояти.

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

рашгани, Исфара томонларга кетиб қолганлиги ҳақидаги миш-мишлар Каримнинг қулогига чалинди.

Мактабни битираётган йиллари бир даврада Исфаранинг истироҳат боғида унинг онасига жуда ўхшаб кетадиган, ёши ўтинқираб қолган эса-да, калта либос кийиб, сигарет тутатиб ўтирган бир аёл ҳақидаги миш-мишларни эшитди. Ер ёрилмади-ю Карим кириб кетмади. Хўрлиги келиб уйига чопди. Нафаси бўғзига тиқилгудек алфозда эди ўшанда.

— Нима бўлди, тинчликми? — сўради аммаси.

У эса ўқдек отилиб ичкарига кирдию туфлисини ҳам ечмай ўзини қаравотга отди.

— Қўявер, болам, худо ҳаммасини кўриб-билиб турибди, — деди аммаси нима бўлганини ўзича тусмоллаб. — Буларнинг ҳисоб-китоби бор ҳали.

— Э, менга деса ўлиб кетмайдими! — деди Карим тишларини гичирлатиб.

Бора-бора дилдаги яралар унут бўлгандек бўлди. Карим олийгоҳни битирди, ишга жойлашди, уйланди. Бу пайтга келиб одамлар ҳам онасини тилга олмай қўйишди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Илҳом Эргашович Юнусов. 1983 йилда туғилган. Китоб тумани Кавзахона қишлоғида яшаган. 2001 йилнинг 1 май куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Дилсўз Таникулова. 1978 йилда туғилган. Китоб тумани Янгибод қишлоғида яшаган. 2006 йилда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Муборак Уматовна Авлокулова. 1969 йилда туғилган. Китоб тумани Койни қишлоғида туғилган. 2006 йилнинг ноябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Ражаб Тешабоевич Хафизов. 1962 йилда туғилган. Китоб тумани Тошкент кўчаси, 11-уйда яшаган. 2006 йилнинг 5 декабрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Китоб тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик ЖҚ ва ТҚКББ бошлиғи ўринбосари, полковник Шокиржон Иноғомовга валидаи мухтарамаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи
ЗУБАЙДА ҳожи онанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник Ботир Муратовга онаси
РОЗА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Андижон вилояти ИИБ ИХБ катта инспектори, капитан
Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВнинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Шуманай тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Осқинбай Калжановга ўгли
Ислам ГАЙПБАЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби бошқарма ҳарбий сафарбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўлими катта инспектори, подполковник Абдунасим Қаҳоровга отаси
ФАЙЗИ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖИЭБ ходими, катта сержант Ҳ. Қунузоқовга укаси
Шерзод КУНУЗОҚОВнинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Одилжон Иззатуллаевич Раҳмонов. 1985 йилда туғилган. Каттакўрғон шаҳар Муродов кўчаси, 4-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



Нодирбек Иззатуллаевич Раҳмонов. 1983 йилда туғилган. Каттакўрғон шаҳар Муродов кўчаси, 4-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



Алоҳида белгилари: юзининг чап томонида холи бор.

Улғубек Ташевич Нарзиев. 1974 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар, Дамариқ кўчаси, 12-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, кўзлари ва қошлари қора, мўйловли.



Галина Анатольевна Нурмухамедова. 1948 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Сўғдиёна даҳаси 53-уй, 32-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари ва қошлари қора.



Флора Пак. 1950 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар А. Икромов кўчаси, 10-уй, 58-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, кўзлари ва қошлари қора.



Мусаввар Бозоровна Аҳророва. 1968 йилда туғилган. Самарқанд тумани Тошлоқ қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи, кўзлари, қошлари қора.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан **Боходир Абдурасулович Холматов** жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1962 йилда туғилган. Шаҳрихон тумани Қорабўйин қишлоғида яшаган.

Б. Холматовни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Шаҳрихон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Аҳмаджон Ўролович Суюнов. 1982 йилда туғилган. Термиз тумани Қуёшли юрт маҳалласида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, қулоқлари катта, кўзлари қисикроқ, қиррабурун, сочи, қошлари қора ёйсимон.

Қаҳрамон Ўқтамович Ҳасанов. 1985 йилда туғилган. Термиз тумани Шароф Рашидов номи маҳаллада яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, қулоқлари катта, кўзлари қисикроқ, қиррабурун, сочи, қошлари қора, ёйсимон.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан **Мухамедали Рашидович Абдугаппаров** жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1978 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 16-мавзе, 6-уй, 69-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, кўзлари қўқ, сочи сариқ.

М. Абдугаппаровни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Маъмура Раҳимжоновна Бараимова. 1986 йилда туғилган. Тошкент вилояти Янгибод шаҳар 14-мавзе, 39-уй, 11-хонадонда яшаган.

Дилрабо Рустамовна Зокирова. 1980 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси, 136-уй, 1-хонадонда яшаган.

Зинаида Захидовна Шаматова. 1981 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Қизил шарқ мавзеси, 15-уй, 29-хонадонда яшаган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

БОЛА КУЛСА, ОЛАМ ШОДЛАНАР

Д **И** **Л** **С** **Ў** **З** **Л** **А** **Р** **И**

Болалик —
ғам-ташвишсиз,
ширин орзулар
олами. Ҳар ким
бу даврдан ўтади
ва келажак сари
йўл олади. Бугун
шундай фаровон
жамиятда ул-
ғаяётган бола-
жонлар бизнинг
эртамиз, кела-
жагимиздир.

Умида АБДУАЗИМОВА, шоира:

Болаликнинг сеҳрли олами бўлади. Ўша дамларни ҳеч бир инсон унутмаса керак. Болалардаги бегуборлик мени доимо ижод қилишга ундайди.

Тилагим, шундай дориламон кунларда яшаётган, илм олаётган болажонлар келажакда оқил, баркамол инсон бўлиб камол топсин.



Равшан ЎТАГАНОВ, республика кўғирчоқ театри актери:

— Болалик кенг қирлар, бепоён далаю даштда ўтган. Ўша кезлардаги орзуим мени санъаткор бўлишга ундади. Ҳар гал саҳнага чиқар эканман, томошамиз кичкинтойларга ёқармикан, улар қандай таассурот олишар экан, деб ўйлайман. Чунки жажжи томошабинларнинг ҳам ўз сўзи, қарашлари бор.



Сайёра ЖўРАЕВА, «Тонг юлдузи» газетаси мухбири:

— Болажонлар жуда кунгилчан, таъсирчан бўлишади. Уларнинг ўзига хос, ажиб дунёси мени ром этган. Янги ҳикоя ёзиш учун кўлимга қалам олар эканман, кўз олдимда болаларнинг шўхликлари гавдаланаверади. Болажонлар билан суҳбатлашсангиз уларнинг ўзи сизга янги гоёлар беради, бетакрор лаҳзалар инъом этади. Келажак авлод бахтига осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.



Гули НИГОР тайёрлади.

БАХТИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Бадиҳа

Болажон! Сенинг дунёга келишингни қанчалар интизорлик билан кутганимизни билармикансан?! Онажоннинг иккимиз тунларни кунларга улаб, сенинг ташрифингни кутардик. Хаёлимизни шу ўй банд этганидан кўзимиз ҳеч нарса ни кўрмас, қулоғимиз ҳеч нимани эшитмас, шууримиз ҳеч нени илғамас, фақат сен ҳақингда ўйлардик. Сен ўзинг ҳам бу ёруғ оламни, йўлингга интизор ота-онандийдорини кўришга шошганингданми, муддатидан анча илғари туғилдинг...

Муддатидан олдин туғилсанг-да, сен жуда тийрак эдинг. Онангнинг ўзидан қўшиб айтган аллалар, отангнинг жўшгандан-жўшиб ўқиган шеърларини тушунишингни мунчоқ кўзларингдан ўқиб олардик. Сермаъно нигоҳларингдан завқланган онажоннинг сенга гоҳ «Алпомиш», гоҳ «Кунтуғмиш», гоҳ «Баҳром ва Гуландом» достонларини ўқиб берарди. Отажоннинг хар куни сенга атаб янги шеърлар ёзарди. Биз бахтиёр эдик. Сен бизнинг бахтимиз эдинг. Сенсиз, сенинг шодон кулгуларингиз, ширин эркаланишларингиз бу олам завқини туёлмасдик...

Биринчи марта «ойи» деганингда, онажоннинг кўз ёшларини тиёлмаганди. Бу қувонч ёшлари эди. Бу бахтдан масрурлик нишонаси эди. Онажоннинг ўзини ерда эмас, кўкда юргандек ҳис қилганди ўшанда. Илк бор «дада» деб сўзлаганингда, мен ҳам шу ҳолга тушганман. Бу ҳолатни на қалам, на сўз ифода эта оларди. Сен бизга ана шундай тенгсиз бир бахтни ато этгандинг...

Сен атак-чечак қилиб юрган, она заминга илк қадамингни қўйган кунни эслолмасанг керак. Лекин онажоннинг иккимиз учун бу кун ҳақиқий байрамга айланган эди. Биз иккимиз ҳам шу куни диплом ҳимоя-

сидан чиқиб туғри уйга шошгандик. Негадир тенгдошларимиз устозларнинг табрикларини эшитишдан ҳам кўра кўпроқ сенинг нурли чехрангни кўриш истаги устунроқ эди. Ховлига кириб келишимиз билан бувижоннинг кучоғидан сирғалиб тушиб, биз томонга одимлай кетдинг. Онажоннинг иккимиз ҳам қувончдан, ҳам сенинг йиқилиб тушишингдан кўрқиб тош қотгандик. Ўзимизга келганда эса, сен онажоннинг бағрида эдинг. Унинг салкам икки соат давом этган баҳсу мунозарадан толиқиш акс этган юзларида қувонч кўз ёшлари қувлашмоқ ўйнардик...

Биринчи синфга борган кунинг эсингдами, болажон! Туни билан бизга уйку бермагандинг. Эрталабга қадар камида ўн марта қалам-дафтарларингни бежирим сумкачангга жойлаб, яна чиқариб олиб, қайта-қайта кўздан кечиргандинг. Сочингни неча марта қайта турмаклатганингни ўзинг ҳам билмасанг керак. Ҳаммасидан ҳам эрталаб биринчи кўнғироққа ухлаб қоламан, деб ўзинг ҳам ухламагансан, бизни ҳам ухлатмагансан...

Мана, энди улғайдинг... Сен билан биз ҳам улғайдик... Мустақил юртимиз ҳам улғаймоқда. Унинг мустақил бўлишини ҳам худди сенинг дунёга келишингни кутгандек интизор бўлиб кутувдик. Истиқлолнинг илк қадамларини кўрганимизда, худди сенинг атак-чечак қилиб юрганнинг кўргандагидек, кўзларимизда қувонч ёшлари ўйнаганди. У ўн, ўн беш ёшга

Қароғингда мавжланар уммон,
Кўзларингга жойланар осмон.
Бахтинг боқий бўлсин, болажон —
Бир бахт уни кўрмаган жаҳон.
Бахтинг шуки, элинг бахтиёр,
Дилда шодлик, тилда авж алёр.
Юлдузларни кучмоғинг мумкин,
Юксакликка йўл солса диёр.

Темур ҚУРБОНОВ,
подполковник.



Сўнги кўнғироқ... Сен бир умр ўқувчилик йилларимни, бегубор болагимни, содда ўсмирлигимни, жонажон мактабимни ёдимга солиб тургайсан. Сенинг садоларинг юрагимнинг туб-тубидан жой олмай, қулоқларим остида янграб, бебаҳо умримнинг бетакрор лаҳзаларини, кадрдон дўстларимни эслатиб тургай.

тўлганда, худди сен илк бор мактабга борган кундагидек, тонгга қадар бедор ўтириб, унинг умрбоқийлигини тилаганмиз. Илойим, мустақиллигимиз боқий бўлсин! Сенинг бахтинг ҳам унинг каби боқий бўлсин, азиз болажон!

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON
REPUBLIKASI
IIV BIRLASHGAN
Tahririyati
MUASSIS:
O'ZBEKISTON
REPUBLIKASI
ISHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib — **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi — **Umidla BOLLIYEVA**
Sahifalovchi — **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi — **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxonani
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7483. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 57279 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.